Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 157 (8397). 21 август, 1984 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Ўзбекистонда иш кўраётган халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари катта ва масъулиятли иш бажармоқда. Улар партиянинг жанговар ёрдамчилари бўлиб, ўзларининг бутун фаолияти билан давлат планларининг муваффақиятли бажарилишига, ресурслар ва пул маблағларини сарфлашда иқтисодий тежаш ва тежамкорликка қатъий риоя этилишига, маҳсулот сифатининг оширилишига, социалистик мулкнинг сақланишига кўмаклашмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган фикр ва мулоҳазалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида халқ контролининг вазифалари республика халқ контроли органлари активларининг 18 август куни бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуровнинг докладида, йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида кейинги вақтларда республика партия ташкилоти иш услуби ва методларини такомиллаштириш соҳасида ўтказаётган тадбирлар орасида халқ контроли органларининг фаолиятини яхшилашга муҳим ўрин берилаётганлиги уқтириб ўтилди. Бироқ уларнинг имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаяпти, деб таъкидлашди нотиқлар. Ишни текшириш, камчиликларнинг олдини олиш ва уларни тузатишнинг ўзвий бирлиги таъминланмади. Комитетлар, постлар ва группалар ҳали ҳамиша ҳам нуқсонларни тугатишда зарур даражада қатъият ва принципиаллик кўрсатмаяптилар, халқ контролерларининг касаба союз ва комсомол органлари билан мустаҳкам алоқалари ҳамма жойда ҳам йўлга қўйилган эмас. Корхоналарда, хўжалик ва ташкилотларда тузилган кўпгина постлар ва группалар ҳеч бир иш қилмаяпти, ўзларига билдирилган ишончни оқламаяпти.

Актив йиғилиши халқ контроли органларидан ўз ишини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида тубдан қайта қуришни, давлат интизомини, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда, салбий ҳодисаларни тугатишда партия ва совет органларига амалий ёрдам беришни талаб қилди. Текширишларнинг сифатини ошириш, аниқланган камчиликларни тузатиш юзасидан оператив чоралар кўрилишига интилиш, контрол ишида меҳнат коллективларига, кенг активга кўпроқ таянниш зарур.

СССР халқ контроли комитетининг бўлим мудири Н. А. Журавлев ўз нутқида халқ контроли органлари ишининг баъзи масалаларига тўхталди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ ЯНАДА ҚИЗИТАЙЛИК

ҲАММА САФАРБАР

Эркин Ҳамдамовни колхоз правлениесида яна қолоқ бригадага бош қилиб тайинлашди. Бу Эркин Ҳамдамовнинг тўртинчи бор ҳосилдорлиги паст бригадага ўтиши эди. Пахтачиликда катта тажриба орттирган Эркин ака бригада ерларини синчиклаб ўрганиб чиққач, дадил ишга киришди. Мавжуд 125 гектар майдонга кеч кузданоқ сифатли ишлов берилди. Қўшимча озиқлантирилди. Баҳорда ўз вақтида экилган уруғлик тупроқ намига тўла ундириб олинди. Ғўза парваришни ҳам агротехника талаблари асосида олиб борилди.

— Бугунги кунда бригадамиз далаларида бўлган киши ғўзаларнинг бир текис ривожланиб, мўл ҳосил тўплаётганлигининг гувоҳи бўлади,— дейди бригада бошлиғи.— Бунга сидқидилдан ва фидокорона қилинган меҳнат туфайли эришяпмиз. Айни кунларда ҳам коллективимиз деҳқонлари парваришни бўшаштиришмаяпти. Чунки ҳозир ғўзанинг ҳосилга ҳосил қўшадиган пайти.

Ҳақиқатан ҳам бригаданинг Ашир Турсунқулов, Йўлчи Мустафоев сингари механизаторлари, Аширмат Иномов, Абдулла Мўминов, Мажид Боймоқов каби сувчилари, Шафоат Мадалиева, Гулбаҳор Мусаева, Баҳри Жуманова сингари аъзолари ўзаро мусобақаланиб, меҳнат қилиб ғўза парваришини намунали олиб боришяпти.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллик юбилейи шарафига бу аҳил коллектив заршунослари ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Бу маррани эгаллаш учун бригадада ҳамма имконият бор.

Қ. ҚОДИРОВА,
Пискент районидаги Калинин номли колхоз.

КОМПЛЕКС РАВИШДА

Шу кунларда Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз далаларида ҳам ғўза парвариши қизғин давом этмоқда. Бу борада ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга аҳд қилган Акбарали Султонов етакчилигидаги бригада пахтакорлари пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Мавжуд 110 гектар пахта майдонидаги ғўзалар ҳозиргача тўрт марта суғорилиб, етти марта культивация қилинганлиги натижасида ғўзалар бир текис гуркираб ривожланмоқда.

Мўл ҳосил тўплаш учун бораётган меҳнат беллашувида ака-ука механизаторлар Абдукарим ва Абдуқаюм Валиқуловларнинг ҳиссалари катта бўляпти. Улар ўзаро мусобақалашиб кунига 7—8 гектар майдондаги ғўзаларга сифатли ишлов беришга эришяптилар.

Бригадада ишлов бериш ва сув тараш ишлари бир-бирига боғланган ҳолда олиб бориляпти. Культивациядан чиқарилган майдонларга Холдор Бойқўзиев, Абдулаҳат Нурматов сингари миришкорлар пешмапеш сув тарашяпти. Шу туфайли айни пайтда ҳар тўп ғўзада 8—9 тадан тўқ қўсак бўлиши таъминланди.

Бригада аҳли ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқда.

А. РИХСИБОЕВ.

МЕХАНИЗАТОР қишлоқда ҳал қилувчи куч. Чигит экишдан то пахта пишиб етилгунча у ўз агрегати билан даладан чиқмайди. Сарбой Телебов ана шундай касбни эъзозлаб келаяпти. У меҳнат қилаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг Жонар Ёқубова бошчилигидаги бригада пахтакорлари юбилей йилида 128 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган. Сарбой далаларда мажбуриятдагига яраша ҳосил тўплашда катта ҳисса қўшаяпти.

А. Мальцев фотоси.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР ПАРВАРИШГА

КУНЛАР исиган сайин зараркунанда ҳашаротлар тез ривожланмоқда. Уларга қаршн ўз вақтида курашаётган Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози пахтакорлари ҳосилнинг зарарланишига йўл қўйишмаяпти. Хўжаликда зараркунанда ҳашаротларга қаршн химиявий усулдан кенг фойдаланилмоқда. Суратда: трактор ёрдамида зараркунандаларга қаршн ишлов берилмоқда.

А. Абалян фотоси.

30 МИНГДАН 70 МИНГГА

СОВХОЗИМИЗ бундан 20 йил илгари Келес массивида, колхозларнинг майда қўйчилик фермалари асосида ташкил этилиб, қўйчиликка ихтисослаштирилганди. Ўшанда хўжаликда қўй-эчкилар сони 30 минг бош атрофида эди. Партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ғамхўрлиги, совхозимиз чўпонлари, мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли хўжалик йилдан йилга ривож топди, қўйлар бош сони кўпайиб, маҳсулдорлиги ортди. Агарда 1964 йилда ҳар юз бош совлиқдан 87 тадан қўзи олинган бўлса, бу йил 121 таданга тўғри келди. Гўштга топширилган қўйнинг тирик вазни ўша пайтдаги 69 килограммдан 56 килограммга кўтарилди. Айни кунларда яйловларда 70 мингга яқин қўй-қўзи боқилмоқда.

Агарда 1965 йилда давлатга 2210 центнер гўшт, 410 центнер жун сотилган бўлса, 1983 йилда 7050 центнер гўшт ва 1100 центнер жун сотилди. Совхоз 1965 йилда чорвачиликдан 405 минг сўм даромад қилган бўлса, 1983 йилда бу кўрсаткич 2100 минг сўмни ташкил этди.

Биз ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича 3,5 йилда бажарамиз, деб аҳд қилган эдик. Совхозимизнинг азамат меҳнаткашлари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Пландаги 80781 бош ўрнига 81308 бош қўзи олиниб, беш йиллик топшириғи ошириб адо этилди. Гўшт ва жун етиштириш ва давлатга сотиш бўйича беш йиллик топшириқ ҳам муддатидан илгари бажарилди. Жумладан, давлатга 2605 тонна гўшт ва 326 тонна жун етказиб берилди.

Биз бундай ютуқларга илғорлар тажрибаси ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, чўпонлар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий, ташкилий, партиявий ишлар савиясини йил сайин яхшилаб бориш туфайли эришмоқдамиз.

Совхоз ташкил этилган пайтда қўйларнинг маҳсулдорлиги паст эди. Шунинг учун зотини яхшилашга киришдик. Қардош Туркманистон республикасидан «саранжи» зотли қўчқорлар олиб келиниб, ўзимизнинг жайдари қўйлар билан чатиштирилди. Натижада сермаҳсул ҳамда маҳаллий шароитга чидамли қўйлар зоти яратилди. Шу туфайли қўйларнинг тирик вазни ортди. Саноат учун қимматли хомашё ҳисобланган жуннинг миқдори кўпайиб, сифати анча яхшиланди. Бу соҳада бизга Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти олимлари катта ёрдам бердилар. Биз ўн йилдан буён республикамиз колхоз ва совхозларига йилига 1000—1200 бош зотли қўчқорларни етказиб бермоқдамиз. Шу ҳисобга 130 — 160 минг сўм даромад олинмоқда.

Шу кунларда қўйлар зотини янада яхшилаш мақсадида олимлар билан ҳамкорликда икки йўналишда иш олиб борилмоқда. Биринчи йўналиш бўйича «Қорабош» — гўшт — думба — жунли қўйлар. Иккинчи йўналиш бўйича «Қизилбош» жуни узун қўйларни етиштириш ва кўпайтириш тадбирлари кўриляпти.

Чорвачиликнинг юксалиши ем-хашак билан боғлиқ. Келес массиви чўл зонасида эса ем-хашак қишнинг келишига ва айниқса, эрта баҳорда бўладиган ёнгинарчиликка боғлиқ.

СЎЗ—БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИГА

Ана шуларни ҳисобга олиб, совхоз маъмурияти Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти олимларига мурожаат этади. Улар совхозимиз мутахассислари билан биргаликда чўл шароитига чидамли ўт-ўланларни ўстириш устида тажриба олиб бордилар. Жуда кўп ўтлар орасидан чўл шароити учун энг қимматли озуқа изень танлаб олинди. Бу кўп йиллик ўсимлик бўлиб, тўйимлилиги жиҳатидан бедадан қолишмайди. Оқсилга бой. Қўй-эчкилар ва қорамоллар уни севиб истеъмол қилади. Энг муҳими шуки, бу ўт баҳор қурғоқ келган йилларда ҳам яхши ҳосил бераверади. Ҳозирги пайтда совхозда изензорлар 4500 гектарга етди. Маълумки, бу йил баҳорда етарли намгарчилик бўлмади. Шунга қарамасдан совхоз фақат изеннинг ўзидан 6 минг тонна хашак тайёрлайди. Ҳар йили бошқа хўжаликларга 40 —50 тонна изень уруғи сотмоқдамиз.

Совхоз экономикаси йилдан-йилга юксалиб бормоқда. 1984 йилда маҳсулотни реализация қилиш суммаси 1965 йилга нисбатан тўрт баравардан ортиқ кўпайди. Совхоз ташкил бўлганга қадар қўйчилик хўжаликларига зарар келтирар эди. Совхоз тузилгач, қўйчилик рентабеллик соҳага айланди. 1983 йилда қўйчиликдан 450 минг сўм соф фойда олинди. Йилдан йилга унумдорлик ортиб, маҳсулот етиштириш кўпайиб, таннархи арзонлашмоқда. Совхоз ишчиларининг турмуш шароити яхшиланиб бораётир. Чўлда шаҳарча бунёд этилди. Замонавий уйлар қад кўтарди. Ҳар уч хонадондан биттасида енгил машина бор.

Совхоз ташкил бўлган йили уч КПСС аъзоси ва икки олий маълумотли мутахассис бор эди. Аксарият мутахассислар ва активлар ишга бошқа ерлардан таклиф қилинганди. Ҳозирги пайтда коммунистлар сони 47 тага етди. Олий маълумотли мутахассислар 50 дан ортиқдир. Институт ва техникумларда жуда кўп ёшларимиз таълим олишмоқда.

Яқинда совхозимиз меҳнаткашлари яна бир катта ғалабани қўлга киритдилар. 1983—1984 йил чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландик.

КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини ҳаётга изчил тадбиқ этаётган совхозимиз меҳнаткашлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этиб, ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилини ҳар бир соҳада юксак кўрсаткичлар билан якунлаш учун курашмоқдалар. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва область партия комитетининг пленуми қарорлари билан атрофлича танишиб чиқдик. Ҳали камчиликларимиз, ечилмаган муаммолар анча кўп. Бу муаммоларни ҳал этиш учун ўз ишимизга, фаолиятимизга танқидий нуқтаи назардан қараб янги-янги резервларни қидириб топиш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

А. САМАРИТДИНОВ,
Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз партия ташкилотининг секретари, совхоз бош ветеринария врачи.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ

●НАМАНГАН. Машинасозлик заводининг меҳнатчилари беш йилликнинг зарбдор қурилиши — Томск химия заводига титан зулфинлари туркумини ишлаб чиқаришда белгиланганидан олдин жўнатдилар. Шу тарифа улар томскликларга корхона машина-ускуналарини монтаж қилишни муддатидан илгари тугаллашга кўмаклашдилар. Наманганликлар молибден, титан ва легирланган пўлатдан ясалган мураккаб қувур узелларини 500 дан кўпроқ адресга—Сибирь ва Қозоғистон нефтчиларига, Эстония ва Узоқ Шарқ химикларига, Тюмень ва Туркманистон оловкорларига жўнатдилар.

●ҚАРШИ. Шўртон газ комлексида 1.000 тонна сабзавот сиғадиган омбор ишга тушди. Энди комплекс меҳнатчилари сабзавот ва мева билан таъминланадиган бўлдилар. Бу маҳсулотларнинг запаслари комплекснинг ёрдамчи хўжалиги далаларидан йиғиштириб олинмоқда. Омбор автомат режимда ишлайдиган совутиш машиналари билан таъминланган. Тюмендан келган мутахассислар шу машиналарни монтаж қилиш ва созлашда ёрдам бердилар.

●АНДИЖОН. Область марказида алоқачилар профессионал маҳорати республика конкурсининг якунловчи босқичи ўтди. Қорақалпоғистон АССР даги, областлардаги ва Ўзбекистон пойтахтидаги ана шундай конкурсларнинг ғолибларидан тузилган телефончилар, телеграфчилар, почта алоқаси операторларининг командалари мусобақалашдилар. Андижонлик телефончилар ва телеграфчилар ишда зўр маҳорат кўрсатиб ғолиб чиқдилар, почта алоқаси операторлари орасида эса Тошкент командаси биринчи ўринни эгаллади.

● ДЕҲҚОНЛАР УЧУН КОТТЕЖЛАР. «Бухароблсельстрой»нинг 20-трестига қарашли Қоракўл механизациялашган кўчма колоннасидан Р. Қурбонов бошлиқ пардозловчилар бригадаси беш йиллик топшириғини бажарди. Бу коллектив деҳқонлар учун коттежлар, қишлоқда маданий-маиший объектлар қуриб берди. Бригаданинг ҳамма аъзолари бир неча касбни эгаллаган бўлиб, кичик механизация воситаларидан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ ПЛЕНУМИДАН

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҒАМХЎР ВА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК

Область касаба союзларининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браиловнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва Тошкент область партия комитетининг IV пленуми қарорлари асосида область касаба союзлари олдида турган вазифалар тўғрисида қилган докладини тинглаб муҳокама этдилар.

Пленум қатнашчилари таъкидлаганларидек, областимиз касаба союз аъзолари партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қабул қилган қарорларни қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Касаба союзлари область партия ташкилоти раҳбарлигида иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишда актив қатнашмоқдалар. Халқ хўжалигини ривожлантиришда касаба союзлари қўшаётган ҳисса пленумда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Лекин улар, ўз ҳуқуқларидан янада тўлароқ фойдаланганларида, ишчи йиғилишлари ва доимий ишлаб чиқариш кенгашлари ролини оширганларида, коллективлараро мусобақани янада кенгайтирганларида эришилган ютуқлар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди.

Областимиз саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш етти ойлик планини ортиғи билан адо этган бўлсаларда 68 та корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажара олмади. 119 та корхона эса буюртмадаги маҳсулотларни ўз вақтида буюртмачиларга етказиб бермади. 76 та корхона меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқни бажармади.

Йил бошида 385 та саноат корхонаси коллективи меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш мажбуриятини қабул қилган эди. Лекин ҳозирча фақат 265 та корхона меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан олинган мажбуриятни бажаряпти, ҳолос. Лекин бу корхоналарнинг ҳар тўрттасидан биттасида материал ва хомашёларнинг қўшимча сарф бўлишига йўл қўйилмоқда.

Область касаба союзлари Советининг ишлаб чиқариш ва иш ҳақи бўлими, касаба союзлари область комитети бу масала билан дурустроқ шуғулланмаётганликлари учун ҳам шундай нуқсонлар келиб чиқмоқда. Касаба союз комитетлари ва корхона раҳбарлари мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳисоб бермайдилар, турдош корхоналар мусобақасини ривожлантиришга эътиборсизлик билан қараляпти. Айниқса, область мукофоти лауреатлари тўплаган тажрибалар суст оммалашяпти. Кўпгина коллективларда кундалик мусобақага яқун ясаб борилмайди.

Докладчи ва музокарага сўзга чиққан қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитети раиси Т. Ражабов, «Миконд» заводи ишчиси Л. П. Трушина, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитети раиси Ф. Убайдуллаев, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ТЭЦи труба цехининг мастери Н. Солиҳова, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи область комитети раиси Ш. У. Ёқубов, 56-автокорхона ҳайдовчиси А. Отабеков ва бошқалар асосий эътиборни ҳал қилинмаган масалаларга қаратдилар.

Кейинги йилларда бригада пудрати усули ўзининг ҳар томонлама афзалликларини кўрсатди. Лекин бир қатор корхона ва ташкилотларда пудрат усули ниҳоятда суст оммалашмоқда. Касаба союз ташкилотлари илғор усулларни кенг ёйиш устида кам қайғурмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, айниқса уй-жойлар тақсимотида касаба союзлари принципиал позицияни эгалламоқлари керак. Айрим корхона ва ташкилотларда бу соҳадаги тартиблар бузилмоқда. Касаба союз комитетлари гражданларнинг яшаш шароити билан ўз вақтида танишмайдилар, турар-жойлар тақсимотида кўпинча навбатнинг бузилишига йўл қўядилар. Бу соҳада мисоллар оз эмас. Жумладан, «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасида шундай ноҳақлик рўй берди. Бирлашма касаба союз комитети раиси А. И. Богданов қонунсиз йўллар билан станция бошлиғи Г. М. Вартазаровга квартира олиб берди. Ҳисоб тартибига риоя этмаганлиги ва турар-жой тақсимотида ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйганлиги учун А. И. Богданов ўз вазифасидан бўшатилди.

Меҳнаткашларнинг савдо, маиший хизматга бўлаётган эҳтиёжларини қондириш касаба союзларининг биринчи галдаги вазифасидир. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент электронтехника заводи, «Ташсельмаш» заводи каби йирик корхоналар маъмурияти ва касаба союз ташкилотлари умумий овқатланиш ва савдо хизматини яхшилаш юзасидан зарур чораларни кўраётган бўлсалар, Тошкент ёғ-мой комбинатида, Тошкент булка-кондитер комбинатида бу соҳаларга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Бу корхоналардаги умумий овқатланиш шахобчаларида жойлар, идиш-товоқлар етишмайди. Тармоқ касаба союз комитетлари ишчиларга кўрсатаётган маиший ва савдо хизматини яхшилаш устида қайғурмаяптилар.

Пленумда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аҳвол ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Ўтган етти ой давомида 17 та хўжалик гўшт топшириш, 90 та хўжалик сут топшириш, 15 та хўжалик эса тухум тайёрлаш планини бажара олмади. Тармоқ касаба союз комитетлари қолоқликни тугатиш юзасидан таъсирчан чораларни кўрмаяптилар.

Ҳадемай пахта йиғим-терими ҳам бошланиб кетади. Касаба союз комитетлари бу мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришлари керак. РАПО ва район касаба союз комитетлари, агросаноат комплексининг барча аъзолари бир ёқадан бош чиқариб ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиб олиш ва қайта ишлашга эришишлари зарур.

Партия касаба союзлари фаолиятига ҳамиша эътибор билан қараб келмоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида касаба союзларида ҳисоботсайлов йиғилишларини ўтказиш муносабати билан партия ташкилотлари олдида турган вазифаларнинг муҳокама қилиниши бу фикрнинг ёрқин исботидир. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва конференцияларда меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР қонуни амал қилаётган ҳозирги шароитда касаба союз ташкилотлари ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланаётганлигини, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан улар бажараётган ишларни атрофлича таҳлил қилиш лозим бўлади. Йиғилишлар касаба союзлари жанговарлигини ва активлигини янада оширишга хизмат қилмоғи керак.

Пленум қатнашчилари ишонч билдириб айтдилар-ки, область касаба союзлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва Тошкент области партия комитетининг IV пленуми кўрсатмаларига амал қилиб меҳнаткашларни 1984 йил ва умуман беш йиллик вазифаларини бажаришга сафарбар этишда ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни янада кучайтирадилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан зарур тадбирларни кўрадилар.

Пленумда Ўзбекистон касаба союзлари Совети секретари О. К. Адаманов нутқ сўзлади.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум область касаба союзларининг XII союзлараро конференциясини 1985 йил январь ойида чақиришга қарор қилди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко иштирок этди.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№ 8 (268)

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

ГРУППАЛАР ФАОЛИЯТИ КУЧАЙСИН

Районимизда 64 та халқ контроли бош группаси, 51 та цех группаси ҳамда 10 та халқ контроли пости фаолият кўрсатмоқда. Уларга 1971 халқ назоратчиси бирлашган. Назоратчиларнинг 419 нафари КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 211 нафари ВЛКСМ аъзоларидир.

1984 йилнинг ўтган ярим йили мобайнида район халқ контроли комитети ўзининг иш плани, ҳамда юқори органларнинг топшириқлари асосида 22 та рейд ва текшириш ўтказди. Ўтказилган текширишларнинг ҳаммаси халқ контроли комитети мажлисида муҳокама қилинди. Текшириш якунлари бўйича 35 киши жазоланди. Бир киши хизмат вазифасидан четлаштирилди. 12 масъул шахсга 2 минг сўм миқдорида пул начёти солинди.

Маълумки, районимизда кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб бориляпти. Шу сабабдан ҳам биз ўз фаолиятимизда қурилиш ташкилотларида давлат планларининг бажарилиши, қурилиш сифати ва қурилиш материалларининг сақланиши ҳамда улардан тежабтергаб фойдаланишни жиддий назорат қилишга интилямиз. Ўтган давр мобайнида комитет йиғилишида қурилиш ташкилоти раҳбарларидан 3 кишининг ҳисоботи тингланди.

«Узбекспецводмеханизация» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннасида бир қарашда ишлар яхши кетаётгандек туюлади. Аммо, назоратчилар «олиб борган текширишдан сўнг бу ташкилотда кўзбўямачилик, штатлардан нотўғри фойдаланиш, қўшиб ёзиш, сифатсиз ишлаш ҳоллари бор эканлиги аён бўлди. Ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошганликлари учун ташкилот бошлиғи Кусановга, бош инженер Абубакировга ва участка бошлиғи Середкинга комитет ҳайфсан эълон қилди ва етказилган зарарни қисман қоплаш мақсадида уларга бир ойлик маошлари миқдорида пул начёти солинди. Қурилиш раҳбарларига нисбатан қатъий талаб ўз самаралари бераётир. Ҳозирги пайтда кўчма колонна ишида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Паркент тикувчилик фабрикаси ўтган йилда маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бузиб, бошқа ташкилотларнинг планларини бажармаслигига сабабчи бўлди. «Госкомсельхозтехника» республика бирлашмаси, Тошкент шаҳридаги бошқа корхоналар фабрика маҳсулотига ишониб доғда қолдилар. Бу масъулиятсизликни текширган область ижроия комитети қошидаги давлат арбитражи фабрикага 27 минг сўм жарима солди. Халқ назоратчилари ҳам фабриканинг боқи бегам раҳбарларига тегишли жазо берди. Жумладан, директор ўринбосари Т. Бегметов ва таъминот бўлими бошлиғи Т. Шеровларга ҳайфсан эълон қилиниб, ойлик маошлари миқдорида пул начёти солинди.

Районимиз хўжаликларида чорвачилик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Давлатга гўшт, сут, тухум сотиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Жумладан, «Ленинобод», Калинин номли совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш талаблар даражасида бораяпти. Бироқ, ҳамма хўжаликларда ҳам ушбу муҳим тармоқни ривожлантириш қониқарли аҳволда деб бўлмайди. Чунончи, «Паркент» совхозаводида ва «Прогресс» совхозида чорвачилик маҳсулдорлиги қониқарсиз аҳволда.

«Паркент» совхозида ярим йиллик пландагига нисбатан 101 тонна сут ва 44 минг дона тухум кам етиштирилди. Бу соҳада ўтган йилги кўрсаткичлардан ҳам орқада қолиб кетилди. Хўш, бунга сабаб нима? Сабаб шундаки, хўжаликда қорамоллар бош сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш ишларига панжа орасидан қаралмоқда. Ўринсиз нобудгарчилик, ички эҳтиёжлар учун молларни худа-беҳудага сўйишга йўл қўйиляпти. Бир йил давомида қорамоллар 160 бошга, сигирлар 103 бошга камайиб кетди.

Чорвачилик ҳақида гап кетганда «Прогресс» совхозида ҳам қатор муаммолар кўзга ташланади. 12 июль куни текшириш ўтказилганда хўжалик фермасида 1302 килограмм сут соғиб олиниб, шундан 940 килограмми давлатга топширилган. Бу миқдор ўтган йилнинг шу давридагита қараганда 460 килограмм камдир. Парвариш ишларида зоотехника талабларига амал қилинмаётганлиги туфайли моллар озғин, касалманд. Июль ойининг 12 куни ичида 27 қорамол, шу жумладан 16 бузоқ ноилож қолиб сўйилди. Юқорида қайд қилинган камчиликлар чорвачилик кадрлари билан ишлашнинг яхши эмаслиги, бу соҳадаги мутахассислар тез-тез алмашиб туриши каби нуқсонлардан келиб чиқяпти. Шу билан бир қаторда ушбу хўжаликларнинг халқ контроли группалари зарбдор соҳа — чорвачиликка жиддий эътибор билан қарамаётганликларини ҳам айтиш лозим.

Шунингдек, «Навбаҳор» совхози халқ контроли группаси (раиси Аппазова), «Гулбоғ» совхози халқ контроли группаси (раиси Мирҳаитов) ҳам бу борада масъулиятсизлик билан ишлаяпти. Юқорида номлари кўрсатилган группаларнинг аъзолари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва область партия комитетининг IV пленуми қарорлари асосида янада активлаштиришлари, «ўзбўямачилик, давлат мулкини талон-тарож қилиш, хўжасизлик, қўшиб ёзиш каби жамиятимиз учун ёт бўлган иллатларга қарши муросасиз курош олиб боришлари керак.

Й. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Паркент район халқ контроли комитетининг раиси.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ БОЙЛИК ЭМАСМИ?

Область маҳаллий саноат бошқармаси корхоналарида маҳаллий хомашё ва чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқариш қониқарсиз ташкил этилган. Ўтган ярим йил давомида 7 та корхона бу соҳада белгиланган планларни бажара олмади. 3 та корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини умуман камайтириб юборди. Бунинг натижасида область бўйича 433 минг сўмлик маҳсулот кам тайёрланди.

Мавжуд корхоналардаги ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва кенгайтиришга эътиборсизлик билан қараляпти. Паркентдаги тикувчилик фабрикасини реконструкция қилишга 1981 йилда киришилган эди. Лекин бу иш ҳамон давом этяпти. Бекободдаги «Металлист» заводи реконструкцияси учун ажратилган маблағ тўла ўзлаштирилмади. Бошқарма базасини ўсимлик хомашёси билан тўла таъминлаш учун ўтган йили 50 гектар ер ажратилган эди. Лекин бошқарма раҳбарларининг уқувсизлиги билан ажратилган ернинг ярми ҳам ҳали ўзлаштирилмади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартираётган ва планларни бажармаётган корхоналар орасида Олмалиқ гилам фабрикаси ҳам бор. Бу корхонада чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқариш планлари муттасил бажарилмай келиняпти. Мавжуд моддий бойликлар ҳисоб-китоби нормаси йўлга қўйилмаган. Тайёр маҳсулотлар цехлардан омборларга накладнойсиз ўтказилади. Бу ҳолда кўпинча омборда ортиқча маҳсулотлар пайдо бўлиб қолади. Июль ойида ўтказилган текширув пайтида омбордан 10 минг сўмликдан кўпроқ ортиқча маҳсулот топилди.

Калинин районидаги хўжалик рўзғор буюмлари фабрикасида қувватларнинг самарали фойдаланилмаяпти. Керамика буюмлари тайёрланадиган печь ўз вақтида реконструкция қилинмаганлиги учун маҳсулот ишлаб чиқариш плани ҳозиргача бажарилмай келяпти. Маҳаллий хомашёларнинг янги илларини ишлаб чиқариш, чиқиндиларни ишга солиш устида ҳеч ким қайғурмаяпти. Ишлаб чиқариш жараёнларини нотўғри ташкил этиш, хомашёнинг етишмаслиги натижасида кўпгина турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш планлари бажарилмаяпти. Кейинги йилларда аҳолига 600 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам етказиб берилди.

Область халқ контроли комитети мажлисида маҳаллий хомашё ва чиқиндилардан маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътиборсизлик билан қараётган Олмалиқ тикувчилик фабрикаси раҳбарлари ҳам қаттиқ танқид қилинди. Фабрика директори И. Ф. Гаврилова жиддий огоҳлантирилди. План топшириқларини адо этмаётганлиги, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб, ҳисоб-китоб устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун Олмалиқ гилам фабрикаси директори М. Сиддиқова, Калинин хўжалик рўзғор буюмлари фабрикаси директори Ш. Содиқова виговор эълон қилинди.

ИСТЕЪМОЛГА ЯРАМАДИ

«Узбекбирлашув»нинг Чирчиқдаги кондитер фабрикаси ишлаб чиқарган маҳсулотларга белгиланган нормадаги хомашё тўла қўшилмаганлиги учун уларнинг мазаси одамларга ёқмаяпти. Шу боисдан ҳам 1982 йилда 22,4 тонна прянник истеъмолга яроқсиз деб топилган эди. Бундан корхона 18,4 минг сўмлик зиён кўрди.

Брак маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамон давом этяпти. Ҳозир корхонада 62 тоннадан ортиқ шундай маҳсулотлар йиғилиб қолган. Уларнинг 16 тоннаснинг сандо ташкилотлари қайтариб юборди.

Тўғри, ишлаб чиқаришни бошқара олмаганлиги учун область халқ контроли комитетининг раиси Й. Убайдуллаев хабар берди.

ЮЗ-ХОТИР ҚИЛМАЙ

Кейинги ойларда группамиз аъзолари ўтказган рейд материалларидан тўрттаси корхона партия комитетида, 2 таси ўртоқлик судида, 4 таси маъмурият йиғилишида, яна бир нечтаси шаҳар халқ контроли комитетида муҳокама қилинди. Рейдлар муҳим мавзуларга бағишланганлиги учун ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Текширув пайтида меҳнатни ташкил этиш, моддий ресурсларни иқтисод қилиш, иш вақтидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги аниқланган эди. Муҳокамадан сўнг дистилляция цехи бошлиғи А. Отахўжаев, совун цехи бошлиғи Т. Осмонов, экстракция цехи бошлиғи Б. Д. Долинскийга жиддий жазо берилди. Улар хўжасизликка йўл қўйганликлари ва хомашёни ортиқча сарфлаганликлари учун кўпчилик ўртасида изза қилинди.

Биз барча участкаларни ўз назоратимиз остига олганмиз. Текширувларнинг бирида вагонлардан қандай фойдаланилаётганлигини кўздан кечирдик. Маълум бўлишича хомашё бўлими, дистилляция участкаси, кунжарани сақлаш ва қайта ишлаш бўлими, тайёр маҳсулотлар омбори раҳбарларининг беғамлиги билан юк олиб келган вагонлар пўлат изларда узоқ вақт туриб қолаётганлиги, бўш вагонлар эса ўз вақтида юкланмаётганлиги аниқланди. Бундан корхона катта зарар кўраётган эди. Текширувдан сўнг жавобгар кишилар аниқланди. Уларга пул начёти солинди. Шундан кейин юк обороти сезиларли даражада тезлашди.

Бундан ташқари айрим ҳолларда ички тозаланмаган вагонларга чигит юкланаётганлигини ҳам пайқаб қолдик. Ифлосланган уруғликни тозалаш пайтида ускуналар ишдан чиққан пайтлар ҳам бўлди. Бу воқеадан биз шаҳар халқ контроли комитетини хабардор қилдик, Сирдарё область халқ контроли комитетини огоҳ этдик. Биргалашиб кўрилган тадбирлар туфайли ифлосланган вагонларга уруғлик ортиш барҳам топди.

Ҳар бир текширув якунини биз коллективга етказиш устида алоҳида қайғурмоқдамиз. «Ташвишли сигнал», «Фотоайбнома» каби деворий газеталаримиз саҳифаларида ўтказилаётган рейдларга катта сабоқ бўлди. Эндиликда майда ўғирликлар кескин равишда камайди.

Биз ҳар бир текширувни планли тарзда олиб боришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ярим йилга мўлжалланган планимизга кўра шаҳар Совети депутатлари, халқ хўжалик мутахассислари, касаба союз, комсомол ташкилотлари билан биргаликда ўнлаб рейдлар ўтказдик. Уларнинг бирида кунжарани сақлаш қандай аҳволда эканлиги текширилган бўлса, яна бир рейдда ишлаб чиқариш қувватлари ва иш вақтидан қандай фойдаланилаётганлиги текширилди. Ишчи ошхонаси, болалар комбинати иши ҳам эътиборимизда бўлди.

Корхонамизда бош группадан ташқари олтита цех халқ контроли группаси ҳам бор. Улар сафига 65 назоратчи бирлашган. Ҳар бир назоратчи маълум секторларга бириктирилган. План асосида ўтказилаётган рейдларда улар актив иштирок этмоқдалар. Камчиликларни юз-хотир қилмай рўйирост очиб ташламоқдалар.

Эндиликда биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида ҳар бир жойда тартиб ва интизом бўлиши, кадрлар масъулиятини ошириш устида алоҳида қайғурмоқдамиз. Кадрлар ўз ишларига қанчалик ҳалол ва масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндошсалар, камчиликлар шунчалик чекинади, ютуқлар кўлами эса кенгаяди. Бу оддий ҳақиқатни ҳар бир киши онгига сингдирмоқдамиз.

А. ПАНИНА,
Янгийўл ёғ-мой комбинати халқ контроли группасининг раиси.

НАЗОРАТЧИЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

давомида маълум бўлаётган камчиликлар баён этиляпти. Назоратчининг ошкоралиги коллектив ўртасида катта тарбиявий роль ўйнамоқда. Танқид қилинган кишилар кейинчалик ишда ўзгариш ясашга интилмоқдалар.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни эгри қўллардан асраб-авайлаш мақсадида тез-тез рейдлар ўтказиб турибмиз. Рейдларнинг бирида айрим ишчилар сменадан сўнг ёғ, совун, кунжара каби маҳсулотларни бекитиб олиб кетаётганлигини кўрдик. Улар дарҳол ушланиб, ўртоқлик судига берилди. Ўртоқлик суди қинғир ишга қўл урган ишчиларга маълум миқдорда жарима солди, кўпчилик ўртасида изза қилинди. Шунинг ўзиёқ ишчиларга панжа орасидан қараш ҳоллари йўқолди.

Биз ҳар бир рейдимизнинг натижасини ишчилар ўртасида ҳисобот бериб борамиз. Ишчилар ҳам ишлаб чиқаришдаги ҳар бир ноқислик ҳақида бизга ёзма ва оғзаки маълумот беришлари, ҳатто ишлаб чиқаришдаги ҳар бир ноқислик ҳақида ўз фикрларини ёзиб,

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЕР БОҚҚАНИ БОҚАДИ

КЕЛИНГ, ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК

ТОШКЕНТ область партия комитетининг IV пленумида областимиздаги ташаббускор, ишбилармон, чуқур билимли, коллектив олдида турган вазифаларни давлат нуқтаи назаридан ҳал қиладиган, одамлар билан маслаҳатлашиб ишлайдиган, камтар раҳбар кадрлардан бири сифатида Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси, область пахтакорлар советининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Миразиз ака Рўзиматовнинг номи ҳам тилга олинди.

Миразиз ака хўжаликка чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери раҳбарлик қилиб келяпти. У раис қилиб сайланган 1958 йилда колхоз давлатдан 1 миллион сўм қарз эди. Ҳозир эса хўжалик йилига 6 миллион сўмдан ошириб даромад қиляпти, салкам 1,5 миллион сўмлик соф фойда олмоқда.

Газетамиз махсус мухбирининг М. РЎЗИМАТОВ билан суҳбати ҳам партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида хўжалик юритишни такомиллаштириш, колхоз экономикасини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар хусусида борди.

— Миразиз ака, ўтган йили колхоз аъзолари 6 миллион 370 минг сўмлик пул даромадлари олишди. Аввало ана шу даромад манбалари ҳақида гапириб берсангиз.

— Пул даромадларининг асосий қисми — 5 миллион 239 минг сўм деҳқончиликдан, яъни пахтачилик ва канопчиликдан олинганди. Соф фойданинг деярли ҳаммаси ҳам шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган йилги шароит туфайли йиғим-терим муддатлари чўзилиб кетди. Табиийки, бу ортиқча чиқимларга олиб келди. Шунга қарамай биз жами соф фойда миқдорини 1982 йилдагига нисбатан 90 минг сўмликка кўпайтиришга эришдик. Рентабеллик даражаси ҳам бироз кўтарилиб, 24,4 процентни ташкил этди.

Демак колхознинг даромади, бойлиги асосан ердан олиняпти. Халқимиз ҳам «Ерни боқсанг, ер сени боқади» деб бежиз айтмаган.

— Худди шу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида келтирилган ушбу муаммо диққатга сазовордир. «Асосий бойлигимиз — суғориладиган ердан фойдаланишдаги номатлуб тенденция кейинги йилларда тобора сезилмоқда. Агар 1980 йилда суғориладиган ерларнинг ҳар гектари 1337 сўмлик маҳсулот берган бўлса, бултурги маҳсулдорлик 1241 сўмга тушиб қолди...». Бу ҳақдаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Аччиқ ҳақиқат. Бу сахий ерларимиз унумдорлиги камаяётганлиги учун эмас, аксинча бебаҳо хазинамизга нотўғри муносабатда бўлаётганлигимиз оқибатида содир бўлмоқда. Ахир йилда 7—8 ой бемалол деҳқончилик қилса бўладиган, бир даладан икки, ҳатто уч марта ҳосил олиш имкони бор бизнинг шароитда хўжалик юритишни билмай, нўноқлик, ортиқча сарф-харажатлар қилиб қарзга ботиб ўтириш инсофданми? Баъзи пайтларда ҳайрон бўламан, айрим хўжаликларда пахта, бошқа экинлардан юқори ҳосил олинди, дейиладию суриштирилса, кассаларида бир мири ҳам бўлмайди. Бу ҳам кўзбўямачиликнинг бир тури эмасми?

Колхозимизда суғориладиган ерлардан фойдаланиш аъло даражада, бизда қеч қандай муаммолар йўқ, десам хато бўларди. Бизда ҳам нисбатан кам ҳосил олаётган, ҳар қарич ернинг қадрига етмаётган деҳқонлар, бригадалар, мутахассислар топилади. Шундай бўлса ҳам ўтган йили ҳар гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 2800 сўм даромад қилдик. Ваҳоланки, 2280 гектар ериминг ярмидан кўпроғини тошлоқ ва қумлоқликлар ташкил этади.

— Бундай ер шароитида пахта ва каноп дан бошқа экинлардан қандай қилиб юқори ҳосил олиняпти?

— Очиғини айтсам, пахта ҳосилдорлиги колхозимизда мақталадиган даражада эмас. Ўтган йили 1180 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан сал кўпроқ пахта йиғиштириб олдик. Лекин давлатга сотилган 3902 тонна пахтанинг ҳар бир килограмми юқори сифатлилигини айтиб қўяй. Жумладан, биз ялпи пахта ҳосилининг 80 процентга яқинини биринчи ва иккинчи сортларга топширдик. Каноп поясининг ҳаммаси — 16982 тоннанинг охирги килограммигача биринчи сортга қабул қилинди. Нав юқори бўлгандан кейин даромад ҳам мўмай бўлади-да! Умуман лубкорларимиз жуда самарали меҳнат қилганликларини таъкидлаш керак. Ахир 700 гектар ернинг ҳар гектаридан 242,6 центнердан ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди.

Қумлоқ ва тошлоқ ерларда бу даражада ҳосил етиштириш масаласига келсак, бунинг бирор сир-асрори йўқ. Деҳқончилик қилаётган ҳар бир киши — сувчи ва механизатор, чопиқчи, мутахассис, раҳбар ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлиши шарт. Яъни сенга шудгор қилиш топширилдими, бу ишни шундай бажаргинки, баҳорда сен ҳайдаган ерга енгил бороналаш ва чиземлашдан кейин уруғ ташлаш мумкин бўлсин. Ғўзани чопиқ ёки чеканка қилиш санми, раҳбарнинг кўзини шамғалат қилиш учун карта четидаги ишни сифатли бажариб, қолган жойлардагисини қўл учида қила кўрма! Ерни ҳам, экинни ҳам алдаб бўлмайди. Кузда, галвир сувдан кўтарилгач, даромадинг пучлигини билганда, ўзинг алданганингни тушунасану пушаймонинг кеч бўлади. Шунинг учун колхозимизда бутун эътибор сифатга қаратилади. Нима учун ғўза қатор ораларига вегетация даврида, албатта, 7—8 марта ишлов бериш керак?! Механизатор ишни сифатли бажарса, 4—5 марта культивация қилиш билан ҳам юқори ҳосил етиштирилаверади. Бунда биринчидан, сарф-харажат камайса, иккинчидан трактор ҳадеб далага кириб, тупроқни зичлаштиравермайди. Бизда барча агротехника тадбирларини бажаришда асосий мезон миқдор эмас, сифатдир.

— Даромадга яраша буромад деганларидек, колхоз экономикасининг мустаҳкамланиши қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маданий турмуш даражасида қандай акс этяпти?

— Партиямизнинг мақсади ҳам, биз сарфлаётган куч-ғайратлардан мақсад ҳам битта — халқ турмуш фаровонлигини оширишдир. Мен даромаддан колхозчиларимизнинг иш ҳақига, қурилишларга, маданий-маиший тадбирларга ажратилаётган маблағлар тўғрисида салмоқли рақамларни келтиришим мумкин. Аммо диққатингизни бошқа нарсага жалб этмоқчиман. Идорага кираверишдаги деворга осилиб қўйилган билдиришга кўзингиз тушган бўлса керак. Унда хўжаликда ишчи кучи етарли бўлганлиги учун колхоз аъзолигига қабул қилинмаслиги ёзиб қўйилган. Бу колхоз правлениеси қароридан кўчирмадир.

Ҳолбуки, шундоқ биқинимизда саноати, бошқа соҳалари жадал ривожланаётган Наримонов шаҳри жойлашган. У ерда иш вақти маълум, касблар ҳам колхозларга қараганда анча кўп ва балки қизиқарлироқдир. Демак бизда кадрлар қўнимсизлиги, ёшларни колхозда ишлаб қолишини таъминлаш муаммоси йўқ экан колхозда қишлоқ меҳнаткашларининг маошлари ҳам, турмуш шароитлари ҳам шаҳардагидан қолишмаслигини кўрсатади. Биз колхозчиликка фақат хўжалигимиз аъзоларининг энг муносиб фарзандларини, шунда ҳам правление барча аъзоларининг розилиги билан қабул қиламиз.

— Миразиз ака, кўнглингизга келмасину, сизни баъзилар «хасис раис» деб аташларини эшитганман...

— Ҳар қандай раҳбар, шу жумладан раис ҳам «хасис» бўлмаса яъни ботмонлаб тўплаб, мисқоллаб сарфламаса хўжаликни ўтқазиб қўйиши ҳеч гап эмас. Колхоз — коллектив хўжалик дейилишини унутмаслик керак. Умум бойликни ана шу коллектив яратади. Яратилган бойлик эса, халқимиз тили билан айтганда, ана шу кўпчиликнинг ризқи. Сенга ишонч билдиришиб, кўпчиликка раҳбар қилиб сайлаб қўйишдими, бутун билиминг, тажрибангни ишга солиб, колхоз бойлигига бойлик қўш, эл фаровонлигини оширишга интил. Бу партиямизнинг, XVI пленумнинг, шу куннинг талабидир.

Мана ҳозир колхозимизнинг банкада 4 миллиондан кўпроқ пули бор. Қўлимизни қаерга узатсак етади. Лекин биз бирор қурилиш қилиш, техника сотиб олишдан олдин правление аъзолари, активлар билан обдон маслаҳатлашамиз, етти ўйлаб, сўнг кесамиз.

— Маълумки, ўтган йил бошида областимизнинг бир группа хўжалик раҳбарлари, мутахассислари техникани асраш, умрини узайтириш мурожаати билан чиққан эдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган бу мурожаат ташаббускорларидан бири Сиз эдингиз. Ана шу ҳаракатни кенг ёйиш соҳасида амалга ошираётган ишларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Яқинда республика халқ контроли комитети техникадан фойдаланиш масаласига бағишлаб колхозимизда семинар ўтказди. Ушанда хўжалигимизда чорак асрдан бери ишлатилаётган 40 га яқин трактор, 12 та автомашина бор десак, кўпчилик уларни ўз кўзлари билан кўрмагунча ишонмади.

Бухгалтерия ходимларимиз қизиқ ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар. 30 йил ичида хўжалигимиз ҳар бир трактор ва машинани уларнинг техник паспортларида белгиланган муддатда ишлатса, 289 та трактор, 92 та машина сотиб олиши керак экан. Биз эса шу даврда 132 та трактор ва 40 та машина ишлатибмиз. Натижада колхознинг салкам 1 миллион сўмлик маблағини тежаб қолибмиз.

Техника ремонтига сарфланадиган маблағни тежаш учун механизатор ва шофёрларимиз моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасидаги тажрибамиз ўз вақтида «Тошкент ҳақиқати»да, ҳатто марказий газеталарда ҳам батафсил ёритилгани эди. Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар бу тажрибаларимизни тинглашга қизиқиб тинглашадию, уларни ўз колхозлари ёки совхозларида қўллашга келганда «қизиқиш»лари сўниб қолади. Ҳар ҳолда мен шу пайтгача бирорта бошқа хўжаликда механизатор ва шофёрлар билан биздагидек ҳисоб-китоб қилишларини эшитмадим.

Тўғри, бу бирмунча қўшимча ташвишни, қунт билан тушунтириш ишлари олиб боришни талаб қилади. Аммо «тоққа чиқмасанг дўлана қайда», деганларидек, куюнмасанг, тийинларни эринмай ҳисобламасанг фойда ўз-ўзидан кўпайиб қолмайди-ку! Яхшиси қуйидаги рақамларга бир эътибор бе-

ринг. Ўтган йили район бўйича битта чопиқ трактори ремонтига ўртача 1230 сўм харажат қилинибди. Колхозимизда эса бу кўрсаткич 470 сўмни ташкил этди. Ҳайдов тракторлари бўйича районда йилига ремонтга 2245 сўм харажат қилинаётган бўлса, бизда бу 1120 сўмни ташкил этди. Бу рақамларни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

— Миразиз ака, колхозингизнинг ажойиб машина-трактор парки, ремонт устахонаси бор. Аммо ҳамма техникани ўз кучларингиз билан ремонт қилиш осонми?

— Нима демоқчи эканлигингизни тушуниб турибман. Деҳқоннинг вазифаси — ҳосил етиштириш. Лекин қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган соҳалар зиммаларига юклатилган вазифаларини кўнгилдагидек бажара олмасалар начора! Бирор тракторни «Госкомсельхозтехника» устахонасига ремонтга топширсангиз ойлаб кутишга тўғри келади. Эҳтиёт қисмлар тақчиллиги-ку ҳаммага маълум.

«Госкомсельхозтехника» устахоналари ва хизматларининг ўз планлари бор. Албатта, улар биринчи навбатда бу планларни бажариш учун ҳаракат қиладилар. Бу ташкилотларнинг иш мезони қилиб колхоз ва совхозларда техниканинг бетўхтов ишлашини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаш даражасини ошириш, кам сарф билан мўл ҳосил етиштирилишидан уларнинг бевосита манфаатдор бўлишларига эришиш тўғрисида кўп гап бўлди. Лекин бу гап гаплигича қолмоқда.

Ёки «Сельхозхимия» ташкилотлари ишини олиб кўрайлик. Улар хўжаликларга минерал ўғитларни тақсимлашда фақат ажратилиши керак бўлган соф азот миқдорини ҳисобга оладилар. Бироқ, ҳамма хўжаликларда ҳам ер, тупроқ хусусиятлари бир хил эмас-ку! Баъзи хўжаликларга кўпроқ фосфор, бошқаларига калий ўғитлари керак. Бу ўғитларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳеч ҳам мушкул эмас. Ҳар бир «Сельхозхимия» ташкилотида колхоз ва совхозлар экин майдонларининг тупроқ картограммалари бор. Лекин унга эътибор берилмайди.

Бу ва шунга ўхшаш жуда етилган бошқа муаммоларни ҳал қилишда РАПО асосий роль ўйнаши керак эди. Афсуски, бу ташкилот ишида ўзгаришлар кам бўляпти. РАПО колхоз-совхозлар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни одилона йўлга қўйишга ҳам етарлича таъсир кўрсата олаётгани йўқ.

Ўрни келганда қишлоқ меҳнаткашларининг олим ва конструкторларга эътирозларини ҳам айтиб қўяй. Неча йиллардан бери далаларимизда янги, серҳосил, тезпишар, касалликларга чидамли янги пахта навлари пайдо бўлишини кутяпмиз. Бу ҳақда XVI пленумда ҳам таъкидланди. Ёки шу пайтгача чигитни уяларга аниқ ташлаб берадиган мукаммал сеялка яратилмаганлигини қандай тушуниш мумкин. Пахта толаси сифатсиз бўлишига пахтани қайта ишлаш корхоналаридаги машина-механизмларнинг жуда эскириб кетганлиги ҳам сабаб бўляпти. Буларнинг ҳаммасини қисқа вақт ичида осонлик билан ҳал қилиб бўлмаслигини биламиз. Аммо қандайдир чора кўриш керак-ку!

Колхозимиз экономикасини мустаҳкамлаш масаласига келсак биз деҳқонларимиз олдига аниқ вазифа — ҳар квадрат метр ердан 30 тийиндан, яъни гектаридан 3 минг сўмдан даромад олиш вазифасини қўйганмиз. Бу реал, бемалол бажарса бўладиган вазифадир. Биз республикамиз за Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда ҳамжиҳатлик билан фидокорона меҳнат қилиб, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, таннархни арзонлаштириш, тежамкорликни кучайтириш, бир сўз билан айтганда кам сарф билан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш чораларини кўрамиз. Шунда даромадимиз янада мўмай бўлади, колхозчиларимизнинг турмуш фаровонлиги ортади.

Суҳбатни Э. ЭРНАЗАРОВ олиб борди.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА — САРА МАҲСУЛОТ

АСАД ойи ўз кўркини намойиш қилмоқда. Ўлкамиз боғ-роғларида ва полизларида сархил мевалар, ширин-шакар қовун-тарвузлар ғарқ пишиб етилди. Эл маъмурчилиги йўлида ҳалол меҳнат қилаётган деҳқонлар ҳосилни пешма-пеш йиғиб-териб олиб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилишяпти. Бу борада тайёрлов идоралари ишчи-хизматчилари ҳам деҳқонларимизга яқиндан ёрдам беришяпти. Яқинда мухбиримиз Оржоникидзе район матлубот жамиятига қарашли тайёрлов идораси директори Эркин ЭГАМБЕРДИЕВ билан шу хусусда суҳбат қилди:

— Эркин Эгамбердиевич, энг аввало, тайёрлов идораси ходимлари шу кунларда амалга ошираётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Асосий мақсадимиз деҳқонлар пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотларни нес-нобуд қилмай ўз вақтида эл дастурхонига етказиб беришдан иборат. Шу мақсадда Чирчиқ шаҳрида, Қўйлиқ массивида, Оржоникидзе районининг «Правда» колхозида ҳамда Қодиря станцияларида сабзавот-мева қабул қилиш пунктларимиз узлуксиз ишлаб турибди. Улар райондаги 10 та хўжаликда етиштирилган маҳсулотларни белгиланган план бўйича пешма-пеш қабул қилиб оладилар. Бундан ташқари бир қатор хўжаликларда ёрдамчи қабул пунктлари ташкил этганмиз. Қишлоқ меҳнат аҳли ўз хонадонларида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг эҳтиёжларидан ортиқчасини олиб келиб, шу пунктларга топшириш имконияти-га эгадирлар.

Самараси ёмон бўлмаяпти. Ўтган етти ой давомида жами 19200 тонна сабзавот қабул қилиб олдик. Шундан 6200 тоннасини шахсий хўжалик эгалари топширган маҳсулотлар ташкил қилади. Муҳими, хонадон эгалари помидор, бодринг каби маҳсулотларни колхоз- совхозларга нисбатан 1—1,5 ой илгари топширишни бошлаб юборадилар. Бу мева-сабзавот таъминотида узилиш бўлмаслигини, аҳоли эҳтиёжи учун сархил маҳсулотлар етказиб беришни таъмин этади. Айниқса, Ленин номли колхоздан цитрус мевалари қабул қилиб, савдога чиқараётганимиз аҳолига манзур бўлмоқда.

Идорамизнинг хизмат кўрсатиш кўлами анча кенг. Биз қабул қилинган маҳсулотларни район хўжаликлари, пойтахт шаҳримиз ҳамда областимиз шаҳар-районлари меҳнаткашларига юбориш билан бир қаторда Иттифоқимизнинг деярли барча республикаларига жўнатамиз. Ўтган ойлар мобайнида эса Петропавловск,

МЕВА-САБЗАВОТ ТАЪМИНОТИ НАЗОРАТДА

Камчатка, Свердловск, Тюмень, Кемерово, Челябинск, Амур, Иркутск, Томск шаҳарларига 14500 тонна мева-сабзавот, москвалликларга эса 5 минг тоннадан зиёд карам маҳсулоти жўнатдик. Шунингдек, монголиялик қардошларимизга 86 тоннадан зиёдроқ карам тортиқ қилинди.

— Тайёрлов идораси орқали савдога чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларига нарх-наво қўйиш сизларда қандай тартибда белгиланади?

—Биз хонадонлардан маҳсулотни кооператив савдо нархида сотиб оламиз ва мева-сабзавот дўконларига тарқатамиз. Уларнинг нархи бозор баҳосига қараб ўзгартириб турилади. Бунда колхоз бозори маъмурияти берган справкалар асосида иш юритилади.

Ишимизнинг яна бир муҳим томони бор. Маълумки, бу йилги об-ҳаво шароити саримсоқпиёз ва карамдан мўл ҳосил олиш учун анча қулай келди. Шунинг натижасида август ойига қадар 13600 тонна ўрнига 16200 тонна эртаки карам, 110 тонна ўрнига 125 тонна саримсоқпиёз қабул қилиб олдик. Жумладан, дўконларга чиқарилган саримсоқпиёзнинг бир килограммини 1 сўм 20 тийиндан сотдик. Бироқ шу кеча-кундузда область матлубот жамиятининг кўрсатмасига биноан хонадонлар эгаларидан бу маҳсулотни қабул қилиб олишни вақтинча тўхтатдик. Боиси—ҳозирги пайтда саримсоқпиёзнинг бозордаги нархи 80 тийин ва 1 сўм атрофида. Аммо ҳадемай давлат томонидан белгиланган нарх-наво тарифига кўра унинг нархи 2 сўмга кўтарилади. Агар биз ҳозир саримсоқпиёзни қабул қилиб олиб, савдо дўконларига сотувга чиқарсак, ўз-ўзидан бозор нархи ҳам 2 сўмга кўтарилиб кетади. Кўриниб турибдики, бу харидорларни бироз ранжитади, деҳқоннинг маҳсулоти ҳадеганда ўтмай, туриб қолади.

— Тайёрлов идорасига қабул қилинаётган маҳсулотларни савдо дўконларига ўз вақтида етказиб бериш ишига халақит бераётган камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Авжи пишиқчилик эмасми, шу кунларда пунктимизга кўплаб миқдорда турли хил маҳсулотлар топширилмоқда. Афсуски, бу маҳсулотларни ўз вақтида нес-нобуд қилмай, савдо дўконларига етказиб беришимиз учун транспорт машиналари етишмаяпти. Область матлубот жамияти, «Ташоблкооптранс»нинг районимиздаги филиали раҳбар ходимлари бу хусусда жиддийроқ ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди. Ана шунда харидорлар сархил, сифатли маҳсулотларни сотиб олиши, энг муҳими эса, эл дастурхонини ёз ноз-неъматлари билан узлуксиз таъминлаш имкони туғиларди.

Р. УСМОНОВА.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚҚА ТАХТ

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари биринчи сентябрь — Билимлар кунини кутиб олишга алоҳида тайёрланяптилар. Бинокорлар 600 ўринли 29-мактаб ва 320 ўринли музика мактабини тортиқ этадилар. Райондаги 25 та мактабда жорий, 4 та мактабда капитал ремонт ишлари сифатли тугалланди.

Ремонт ишларини оталиқ ташкилотлари ва юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган бўёқчилар, оқловчилар, дурадгорлар бригадалари амалга оширдилар.

191-мактаб қошида агрегат заводи оталиғида устахона ташкил этилди. Бу ерда 185-, 196-мактабларнинг 7—8-синф ўқувчилари касб-ҳунар ўрганадилар.

Мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати кенгайтирилиб, 3000 ўқувчи қабул қилинади. 4400 ўқувчи биринчи бор мактаб остонасига қадам қўяди.

С. СУЛТОНОВ.

ЧЭТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

ОЛИМЛАР—ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН КУРАШДА

РИМ, 20 август. (ТАСС мухбири). Италиянинг Сицилиядаги Эричи шаҳрида физик олимларнинг тинчлик ва ядро урушининг олдини олиш проблемаларига бағишланган халқаро семинари очилди. Семинарда Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатлар, Қўшма Штатлар, Хитой, шунингдек Совет Иттифоқининг фан арбоблари қатнашмоқдалар. Семинарнинг кун тартибига космик фазо ҳарбийлаштирилиши, ядро урушининг олдини олиш ва қуролланиш пойгасини тугатиш йўлларини қидириш проблемалари қўйилган.

Семинарни ўтказиш ташаббускорларидан бири — итальян олими А. Дзикининг «Жорно» газетаси мухбири билан суҳбатда айтишича, илм-фан арбоблари ўз олдиларига ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқдалар. Олимларнинг қуролсизланиш йўлидаги курашга қўшаётган ҳиссалари йил сайин кўпайиб бормоқда, деб ўқтирди у.

Италия президенти А. Пертини семинар қатнашчиларига табрик телеграммаси йўллаб, «ядровий фалокат ҳавфига нисбатан ҳозир ҳеч ким бепарво тура олмайди», деб таъкидлади. Қуролланиш пойгаси, деб ўқтирилади телеграммада, ҳозир ер юзида ажал ва кулфат уруғларини сочмоқда, хавфсизликни камайтирмоқда. А. Пертини қурол-яроғларнинг янги турлари яратилиши очликдан ўлаётган кишиларга зарур бўлган жуда катта маблағни ўз домига тортаётганлигини ўқтириб, қуролланиш пойгаси дарҳол тўхтатилиши ва қуролсизланиш кераклигини айтди.

А. ГОЛЯЕВ.

ИҒВОГАРЛАР МИНА ЖОЙЛАМОҚДАЛАР

АДАН, 20 август. (ТАСС). Қизил денгиз сувларига иғвогарлик мақсадида мина жойлаштирилаётганлиги ўзининг характери жиҳатидан илгари Никарагуанинг территориал сувларида марказий разведка бошқармаси миналар жойлаганига жуда ўхшаб кетади, бу миналарнинг жойлаштирилиши натижасида турли мамлакатларнинг анчагина кемаларига зиён етди, деб ёзади Жанубий Ямандаги «Арбааташар октобр» газетаси. Вашингтон миналари олиб ташлаш баҳонаси билан бу ерга ўз ҳарбий денгиз кучларининг бўлинмаларини келтириб қўйиб, ўз ҳаракатларини гўё халқаро кема қатнови хавфсизлигини таъминлаш мақсадини кўзловчи «холисона иш» қилиб кўрсатишга уринмоқда, деб ёзади газета. Ҳақиқатда эса бу АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг дунёнинг стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шу райони ишларига аралашиш ва бу ерга қуролли кучлар келтириб қўйиш зонасини кенгайтириш учун бир баҳонадир.

Газетанинг уқтириб ёзишича, Вашингтон Қизил денгизни «Америка кўли»га айлантиришга интилиб, Ливандаги сўз сиёсати ва ҳарбий ниятлари пучга чиққанлиги аламини шу ердан олишни кўзламоқда. Оқ Уй ўзининг Яқин Шарқда бой бериб қўйган позицияларини қайтадан тиклаш режаларини айни Қизил денгиз ва Форс кўрфази билан боғлаётганини яширмаяпти.

АММОН, 20 август. (ТАСС). Қизил денгиз ва Сувайш кўрфазига миналар жойлаб қўйилишида Қўшма Штатлар билан Исроилнинг кўли бор, деди Фаластин халқ озодлик фронтининг расмий вакили Б. Абу Шариф. У «Жордан таймс» газетасининг мухбири билан суҳбатда АҚШ билан Исроил шу тариқа Яқин Шарқдаги аҳволга путур етказишга, ўз позицияларини мустаҳкамлаб олаётган араб миллий озодлик ҳаракатига зарба уришга интилмоқда, деб уқтирди. Айни АҚШ билан Исроил шу операциядан фойда ундириб олаётган бирдан-бир томонлардир. Қизил денгиздаги танглик Америка ҳарбийларига региондаги ўз қуролли кучларини кўпайтириш имконини берди, деб уқтирди Б. Абу Шариф.

Буюк Британиянинг консерватив ҳукумати кончиларнинг умуммиллий стачкаси қатнашчиларига нисбатан полиция террори тактикасини қўлламоқда. Кончилар ҳукуматнинг қатор шахталарни бекитиш ва 20 мингдан кўпроқ меҳнаткашни ишдан маҳрум қилиш режаларига қарши чиқмоқдалар. Бутун мамлакат бўйлаб иш ташлаганларга қарши полициянинг кўп сонли отряди зўравонлик қилмоқда. Кончилар оммавий қамоққа олиняпти. Улар орасида ярадорлар ҳам бор. Суратда: Дарем графлигидаги кончиларнинг навбатдаги чиқиши бошланишидан аввал полициячилар ва шахтёрлар ана шундай «юзма-юз» дуч келишди.

Камера пресс—ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПРАГА

Чехословакия—совет дўстлиги номидаги 800 та социалистик меҳнат бригадаси Прага корхоналарида 1984 йилги давлат планини ва СССРга етказиб бериладиган маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилди. Ана шу мусобақа пешқадамлари орасида техноэкспорт, бирлашмасининг, керамика заводининг, деҳқончилик ва озиқ-овқат илмий-тадқиқот институтининг бригадалари бор.

Прагадаги ихтисослашган корхоналарнинг Совет Иттифоқидаги мижозлари билан барқарор кооперация алоқалари муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Бу эса конкрет ишлаб чиқариш вазифаларини ўзаро маҳсулот етказиб бериш муддатлари билан боғлаш, буюртмаларни зарур ресурслар билан таъминлаш тўғрисида олдиндан ғамхўрлик қилиш имконини беради.

БУДАПЕШТ

Шу кунларда Комло шаҳридаги Мечек кўмир хавзаси марказларидан бирининг шахтёрлари биринчи бўлиб янги уйларга кўчиб кирдилар. Бу ерда янги турар-жой массивининг биринчи навбати фойдаланиш учун топширилди. Бу массивни қуриш шу йили бошланган эди. Бинокорлар районнинг биринчи навбатини қуриб битказишни ВХР конституцияси кунига бағишладилар. Яқин кунларда шахтёрларнинг 150 оиласи янги квартираларга кўчиб кирди. Комло янги турар-жой районини 1990 йилгача тўла қуриб битказиш кўзда тутилган.

РИМ

Италиянинг Сардиния оролидаги кичик Виллагранде Стрисаили шаҳрининг бутун аҳолиси яқинда ажойиб ҳамшаҳари — Дамиана Сеттенинг юбилейини тантанали нишонлади. Меҳр билан «Италия бувиси» деб аталадиган бу аёл 110 ёшга тўлди. У ҳозир мамлакатнинг энг кексаси ҳисобланади. Мана шу унутилмас кунда унинг катта оиласи: фарзандлари, неваралари, қариндош-уруғлари — жами юзга яқин киши у билан бирга бўлишди. Бу кишиларнинг кўпчилиги аллақачон етмиш ва ҳатто саксон ёшдан ошган.

(ТАСС, 20 август).

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент область Тошкент районидаги
68-Қишлоқ ҳунар-техника билим юрти
1984-85 ўқув йили учун
10 синфни битирган йигит ва қизларни
АСАЛАРИЧИЛИК, ИПАКЧИЛИК, БУХГАЛТЕРЛИК
мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 1 йил.

Ўқиш даври узлуксиз иш даврига киради.

Аъло баҳо билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона ва кийим-кечаклар билан таъминланадилар.

Битирувчиларга ихтисос бўйича диплом берилади.

Колхоз ёки совхоздан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишга юборилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), мактабдан характеристика, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси.

Билим юртининг адреси: Тошкент область, Тошкент район, Абдураҳмонов номли совхоз 2-бўлими. Телефон 56-6-89.

Билим юртига Калинин майдони, «Келес» автостанциясидан 292-автобусга чиқиб, охиригача борилади.

БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ
99-ўрта ҳунар-техника билим юрти
1984-85 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

аёллар кўйлагини тикувчи, аёлларнинг устки кийимларини тикувчи, сартарош, якка буюртмалар бўйича пойабзал тикувчи, радиотелемеханик, устки кийимларни тикувчи (бичишни биладиган).

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 3-4 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот олганлиги ҳамда эгаллаган касби бўйича 3-4 разряд эгаллаганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даври узлуксиз ишлаб чиқариш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ҳамма ўқувчилар кийим-бош, ҳар куни уч маҳал бепул овқат, бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бекобод шаҳри, Касалхоналар шаҳарчаси (5 автобуснинг «Шаҳар касалхонаси» бекати). Телефонлар: 49-09, 49-88.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОРЖОНИКИДЗЕ
РАЙОНИДАГИ
21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—1985 ўқув йилига
ҚУИИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎИИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист (ремонт қилиш слесари ва автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи билан), **мева-сабзавотчилик усталари, чорва молларини ветеринария ишловидан ўтказиш ва молхоналарни дезинфекция қилиш операторлари, чорвачилик фермаларн механизаторлари** (электромонтёрлик квалификацияси билан), **чорвачилик комплексларида ишлатиладиган ускуналарни ремонт қилиш слесарлари, чорвачилик усталари, 3-класс тракторчилари.**

БИЛИМ ЮРТИ 1962 ИИЛДАН БУЕН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИДА ИШЛАШ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАИЁРЛАБ КЕЛАДИ.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган: Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фототўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Ҳозирда футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар. **Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил.**

Ўқишни битирган барча ўқувчиларга Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма берилади.

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист ва мева-сабзавотчилик усталари группаларига фақат 8-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади. Қолган мутахассисликлар бўйича 3 йиллик группаларга 8 синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10 синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 8 ёки 10 синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Оржоникидзе райони «Геофизика» посёлкаси, Тошкент шаҳридан 1, 16, 24-автобусларда «Троицкий поворот» бекатигача борилади. Горький номли метростанциясидан 63-автобусда, 1-«Қорасув» бекати. Луначарский шоссеси «Центр» бекатидан «Тошкент—Чингелди», «Тошкент — Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва ташкилоти
247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: кондитер, нонвой-тандир нони ва булочка пиширувчи, лаборант-химик, автоматика ва контроль-ўлчов ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналарини созловчи механик, қуриниш бўёқчиси, автослесарь.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

10 синф ҳажмида маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар. Билим юртини битирганлар танлаган мутахассисликлари бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитер-булочка комбинатида, «Ўртоқ» кондитерлик фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, «Такт» ансамбли ишлайди ва ҳар хил спорт тўгараклари мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина ва турар жойидан справкалар, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин район, Истиқбол кўчаси, 3-уй, (68, 133, 121, 127, 81, 15, 45, 23-автобуслар; 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон: 90-36-69.

Ф. Хўжаев номли 1-пойабзал фабрикаси қошидаги
143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: пойабзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-пойабзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби, бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
«СССР 50 ИИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ
176-ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ
ИИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Иш участкаларидаги электр-кўприк кранларн машинисти, қизғин иш участкаларида ишловчи электрослесарь, электр пайвандловчи. Ўқиш муддати — 1 йил;

металл моделлар бўйича моделчи, автослесарь-электрокара бошқарувчи малакасини олган ҳолда, ўқишни тугатгач транспорт ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади (бу мутахассислик бўйича ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайдилар), **электрик, электр пайвандловчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, ОТК контролёри, дурадгор. Ўқиш муддати—3 йил;**

фрезеровкачи-универсал, иш участкаларида саноат ускуналарини созлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-механик, электр-кўприк кранлари машинисти, синовчи трактор-механика йиғув ишлари слесари малакасини олган ҳолда, ўқишни тугатгач транспорт ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади, токарь-универсал. Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил.

Билим юртини тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот ва мутахассислиги тўғрисида диплом оладилар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга қабул қилинганларнинг барчаси 3 маҳал овқат, кийим-бош, махсус кийим билан таъминланадилар, зарур бўлган кишиларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси жараёнида ишлаб топилган маблағнинг бир қисми тўланади.

Билим юрти яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналар, стадион, спорт зали, бассейн барча қулайликлари бўлган секция типидаги яхши жиҳозланган ётоқхонага эга. 6 тўгарак ва 11 спорт секцияси ишлаб турибди. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар мавжуд. Билим юрти қошида ДОСААФ спорт-техника мактаби филиали (картинг ва мотоспорт) фаолият кўрсатаётир. Ёзги таътил даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омборн яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Ўқишга киришда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3Х4 см.), характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700177, Тошкент шаҳри, 1-Ташавтомаш массиви (17, 1, 13, 16, 24 — автобуслар, 28 — маршрут таксисининг «Трактор заводи» бекати).

13-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинадилар: механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарь, программа билан бошқариладиган станокларнинг токарь-оператори, қўлда ва автоматик пайвандлаш бўйича электр-пайвандчи. Электр ускуналарни тузатиш ва улардан фойдаланиш бўйича электромонтер, кўприкли кранларнинг кранчиси, автомобиль ремонти бўйича слесарь, қолипчи, сонли программа билан бошқариладиган ускуналарни созловчи, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь.

Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.

Ўқишни битирганларга ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом ҳамда эгаллаган касблари бўйича 3-4 разряд малака берилади.

Улар ҳар куни уч маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинадилар (техника билим юрти программаси бўйича): **кўприкли кранларнинг кранчиси, токарь-универсал, пармаловчи, халқ истеъмоли молларини сайқалловчи, автомобиль ремонти бўйича слесарь.**

Ўқиш муддати — 10 ой.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан 76 сўмгача стипендия тўланади.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар учун ўқиш муддати қисқартирилган. Уларга стипендия тўланади (танлаган ихтисоси бўйича халқ хўжалиги тармоғида ишлаётган ишчилар учун белгиланган биринчи разрядли иш тариф ставкаси миқдорида).

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар Свердловск инженерлик педагогика институтига йўлланма билан ўқишга юборилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш таълими ҳамда ишлаб чиқариш практикасида ўқувчи тайёрлаган маҳсулоти учун амалдаги норма бўйича меҳнат ҳақи олади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли, дискотека, бичиш-тикиш, техника ижодкорлиги тўгараклари ишлайди.

Ёзда ўқувчилар шаҳар ташқарисидаги дам олиш лагерларига, санаторийларга, дам олиш уйларига юборилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, мактабдан медицина паспорти.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Қабул комиссияси ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача ишлайди.

Мурожаат учун адрес: Чирчиқ шаҳри, Железнодорожная кўчаси, 128-«а» уй («Тошкент-Чирчиқ» автобусининг «Ленин номли майдон» бекати). Телефонлар: 5-10-15, 5-10-11, 5-06-86.

ДИҚҚАТИНГИЗНИ ЖАЛБ ҚИЛАМИЗ

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«Т Е М П»

УНИВЕРСАЛ КОМПРЕССОРИ
АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРЛАРИГА



Кўчма «Темп» компрессори шиналар, дам бериб шиширилади**ган қайиқлар, матрацлар учун ишлатилади. Бундан ташқари ҳар қандай сиртларни ранглашга қарши таркибли модда билан қоплаш ва бўяш учун ҳам қўлланилади.**

У автомобилдаги чекиш учун олов олдириладиган уячага тиқилади. Оғирлиги бор-йўғи 2 килограмм.

Баҳоси — 61 сўм.

* * * * * *

«САЛЮТ-С» ВА КАМА

ИИГИЛАДИГАН, УНИВЕРСАЛ ВЕЛОСИПЕДЛАР

Сизнинг завқли саёҳат қилишингизда, саломатликни мустаҳкамлашда, қадди-қоматингизни сақлашда жуда қўл келади.

Руль ва эгарнинг паст-баландлик бўйича созланиши катталар ва ўсмирлар ҳам бу велосипедни миниш имконини беради.

Такомиллашган йиғма рамалар велосипедларни сафарга бориш ва сақлаш учун қулай қилган, бундан ташқари бежирим ва транспортга яхши жойлашади.



«САЛЮТ-С» ва «КАМА» велосипедларининг олдинги ғилдираги тормози қисқич типидадир.

Баҳоси — «Салют-С» —100 сўм, «Кама» —98 сўм.

* * * * * *

«НЕРЛЬ-206» МАГНИТОЛАСИ



Бу стереофоник ва радиопрограммаларни ғоятда сифатли эшиттира оладиган энг яхши типдаги магнитоладир.

«НЕРЛЬ-206» магнитоласи тўрт диапазонли приёмникни ва қўшалоқ микрофон ўрнатилган стереофоник магнитофонни ўзида мужассамлаштирган.

«НЕРЛЬ-206» шовқинни камайтирувчи икки каналли система, овозни паст ва баланд частоталар бўйича созлагич билан таъминланган. Бундан ташқари магнит лентасининг қанча ишлатилганлигини назорат қилувчи қурилмаси ҳам бор.

Магнитолани ишлатишда қулайлик яратиш мақсадида индикаторлар ва шкалалар ишлаш чоғида ёришиб туради.

Баҳоси — 450 сўм.
ЦНИИНТИ
ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА.

СССР ДАВЛАТ
МЕҲНАТ ОМОНАТ
КАССАЛАРИ

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Омонат кассалари сизга шахсий бюджетингизни ўтгани тақсимлашга, меҳнатдан топган даромадларингизни мақсадга мувофиқ ишлатишга, ўзингизнинг ўсиб бораётган маданий ва маиший талабларингизни яхшироқ қондиришга ёрдам беради.

Омонат кассалари гражданларга ўз жамғармаларини ишончли ва қулай сақлаш имконини беради ва ҳисоб-касса операцияларини бажаради.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ

омонатчининг биринчи талаби бўйича нақд пулларни жамғармага қўйишга қабул қилади ва беради. Омонатни омонат пули топширилган кассадангина эмас, балки шу шаҳар ёки райондаги марказий омонат кассасидан ҳам олиш мумкин. Уни мамлакатимизнинг ҳамма еридаги омонат кассасида тўлдириш мумкин;

меҳнаткашларнинг пул даромадларидан корхоналар ва ташкилотлар ўтказадиган суммаларни омонат бўйича ҳисоб счётига қабул қилади;

омонатчининг топширигига мувофиқ бир марта ёки узоқ муддат давомида квартира, коммунал хизмат ва бошқа хизматлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб ишларини бажаради;

омонатларни бир омонат кассасидан бошқа омонат кассасига ўтказади;

аккредитивларни беради ва тўлайди;

1982 йилги давлат ички ютуқли заёми облигацияларини сотади ва сотиб олади:

давлат заёмлари облигацияларига ва лотерея билетларига чиққан ютуқларни тўлайди:

омонатчининг 200 сўм ва ундан қимматбаҳода бўлган саноат молларини сотиб олишида магазинлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисоб чекини беради;

турли хил бошқа операцияларни бажаради.

Омонат кассалари 1984 йилнинг 1 февралидан бошлаб жамғарма сақлашнинг усулларини кенгайтириш мақсадида омонатлар қабул қилишнинг янги усулларидан фойдалана бошлади.

ЁШЛАРНИНГ МУКОФОТЛИ ЖАМҒАРМАСИ

Бундай омонатлар 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган гражданлардан қабул қилинади. Омонатчининг ўзи шахсан омонат кассаларига келиб паспортини кўрсатгач, омонат кассада ҳисоб очилади. Шундан кейин маблағ жамғарилиши уч йил мобайнида иш жойи ёки ўқиш жойидаги бухгалтерия омонат кассадаги ёшлар мукофотли жамғармаси ҳисобига ҳар ойда ўтказиб турадиган маблағ ҳисобига кўпайиб боради. Ҳар ойлик взнос ҳажми омонатчи томонидан 10, 20, 30, 40 ёки 50 сўм миқдорида белгиланиши мумкин. Взнос нақд пул топшириш орқали ҳам олинаверади. Ана шу омонатлар бўйича тўпланган жамғарма майдалаб берилмайди.

Ёшларнинг мукофотли жамғармаси бўйича кўрсатилган шартларга риоя қилинганида омонатчига йиллик 3,5 процент ҳисобидан даромад тўланади шундан 2 проценти ҳар йили қолган жамғармага қўшиб берилади, камида 3 йил сақланган омонат бўйича 1,5 процент мукофот тарзида тўланади. Жамғармани сақлаш ва уни кўпайтириш қоидалари бузилган ҳолларда даромад йиллик 2 процент ҳисобидан тўланади.

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

Бунда йиллик 2 процент ҳисобидан ютуқлар тарзида нақд пул билан ёки омонатчининг хоҳишига биноан харидоргир моллар тарзида берилади. Ютуқлар тиражи 1 йилда 2 марта — апрель ва октябрь ойида ўтказилади. Омонатнинг ана шу тури бўйича ҳар бир тиражда 1.000 та ҳисоб — счётига 25 та ютуқ ўйналади: унда ўтган ярим йилликда ўртача қолган омонатнинг 200 проценти ҳажмида битта ютуқ, 100 процентдан иккита ютуқ, 50 процентдан иккита ютуқ ва 25 процентдан 20 та ютуқ ўйналади. Ютуқ пулини аниқлашда ярим йилликдаги омонатнинг ўртача қолдиғи 5000 сўмдан ошмаслиги лозим. Лекин омонатчига жамғарманинг пул-буюм ютуғи бўйича битта ёки бир неча омонат кассасида ҳисобнинг исталган сонини очиш ҳуқуқи берилади.

Омонатчининг ҳисоб счётига чиққан ютуқларга бериладиган молларнинг рўйхати билан омонат кассаларида танишиш мумкин.

Омонат кассалари омонатчиларга ютуқ ҳисобига молларни магазинлардан олиши учун яхлит ҳисоб чекини беради. Омонатчининг хоҳишига кўра олинадиган молнинг чеки пул миқдорида ёзиб берилиши мумкин. Бунда ютуқнинг баҳоси 25 процент фарқ қилса, ўртадаги фарқ омонат кассага тўланади ва шундан кейин чек ёзиб берилади.

Ютуқ пулини омонат кассадан нақд пул билан ҳам олиш мумкин ёки жамғарма бўйича ҳисоб счётига ўтказиб сақлаш учун қолдирилса ҳам бўлади.

ҚЎШИМЧА ВЗНОСЛИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР

Бундай омонатлар камида 1 йил муддатга омонатчиларга даромад йиллик 3 процент ҳисобидан тўлаш шарти билан қабул қилинади. Ҳозирги пайтда мавжуд бўлган муддатли жамғармалардан бу усулнинг фарқи шундаки, омонатларнинг янги хили бўйича дастлабки ва қўшимча взнослар нақд пул билан, шунингдек омонатчининг шахсий аризасига биноан унинг иш жойидаги бухгалтерия орқали ўтказилади. Ҳар бир қўшимча взноснинг ҳажми камида 100 сўм бўлмоғи керак.

Кўрсатилган жамғарма тўла ҳолда қўшимча взнослар билан ҳам қабул қилинаверади. Омонатчига камида бир йил муддатда ҳисобда турган жамғарма муддатли жамғарма тартиби бузилмаган ҳолда умумий пул юзасидан ҳисобланган процентларни олиш ҳуқуқи берилади. Бир йил муддатдан камроқ вақт ичида сақланган жамғарма бўйича даромад тўланмайди.

Омонат кассаларининг ҳамма хизматларидан фойдаланинг!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АЛОҚА ВА СИМЛИ ЭШИТТИРИШ КОРХОНАСИГА

ремонт бўйича алоқа электромонтёрлари ва радиолаштириш линиялари эксплуатацияси бўйича алоқа электромонтёрлари.

Меҳнат ҳақи — вақтбай;

радиотрансляцион тўчкаларни ўрнатиш ва ремонт қилиш бўйича алоқа электромонтёрлари. Меҳнат ҳақи — ишбайлик;

линиялар эксплуатацияси бўйича электромонтёрлар окладига 50 процентгача қўшимча ҳақ тўлаш билан кенгайтирилган зонада хизмат кўрсатишга ижозат этилади.

Корхонада меҳнатнинг мукофотли ҳақ тўлаш услуби жорий этилган.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш ва ахборот бўйича марказий пункти ва Тошкент шаҳар район ижроия комитетлари қошидаги инспекторларга учрашилсин.

Р. 09397. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1765. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12